

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“РЎЙХАТДАН ЎТКАЗИЛГАН”

“Микрокредитбанк”
акциядорлик-тижорат банки

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги



Йиғилиш раиси

Ф.Р.Нурғалиев

Акциядорлар умумий йиғилишининг
2022 йил “2” феврал даги
2 -сонли баённомаси



Вазир ўринбосари

О.Р.Исаков

2022 йил “19” феврал

Р0005-29 - сон

М.Ў.

АКЦИЯЛАР ҚЎШИМЧА ЧИҚАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРОР
“МИКРОКРЕДИТБАНК” АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ

Идентификация рақами берилди:

Р	4	1	2	9	Р	0	0	0	5	Р	4
---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---	---

Номинал қиймати 1 068 (бир минг олтиш-саккиз) сўм бўлган 1 264 223 706 (бир миллиард икки юз олтиш тўрт миллион икки юз йигирма уч минг етти юз олти) дона умумий қиймати 1 350 190 918 008 (бир триллион уч юз эллик миллиард бир юз тўқсон миллион тўққиз юз ўн саккиз минг саккиз) сўмлик оддий эгасининг номи ёзилган ҳужжатсиз шаклдаги акциялар

Акциялар ёпиқ обуна усули билан жойлаштирилади.

Акцияларнинг ушбу чиқарилиши йигирма тўққизинчи чиқарилишдир.

Тасдиқланган: “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Акциядорлар умумий йиғилишининг 2022 йил “2” феврал даги 2 - сонли баённомаси билан

“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки Акциядорлар умумий йиғилишининг 2022 йил “2” феврал даги 2 - сонли баённомаси асосида

Эмитентнинг жойлашган жойи, почта манзили, мулоқот телефонлари ва электрон почта манзили – 100096, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани Лутфий кўчаси, 14 уй. Телефон: (71) 202-99-99. Факс: (71) 273-96-29. Электрон почта манзили: info@mikrocreditbank.uz

Бошқарув раиси

Бош бухгалтер



Бутаев Ориф Алибоевич

Рахманов Фарход Бахрамович

Сана: 2022 йил “2” феврал

1. Ушбу чиқарилишдаги эгасининг номи ёзилган акциялар тури (оддий ёки имтиёзли):
Оддий.
2. Ушбу акциялар чиқарилишининг шакли – **Хужжатсиз.**
3. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг номинал қиймати (сўм): **1 068 сўм.**
4. Ушбу чиқарилишдаги акцияларнинг сони (дона): **1 264 223 706 дона.**
5. Ушбу чиқарилишнинг умумий ҳажми (сўм): **1 350 190 918 008 сўм.**
6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар эгаларининг ҳуқуқлари:

Ушбу чиқарилишдаги ҳар бир оддий акция эгаларига қўйидаги ҳуқуқларни беради:

- Банкнинг акциядорлари реестрига киритилиш;
- ўзига тегишли депо ҳисобварағидан кўчирма олиш;
- Банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Банк тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали Банкни бошқаришда иштирок этиш;
- Банк уставига мувофиқ эмитентнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва тўғри ахборот олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек, судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа нодавлат ноtijорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозлар сотиб олиш вақтида зарар кўриш ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиш эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликни суғурталаш.

Акциядорлар қонун ҳужжатларида ва Банк уставига назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўладилар.

7. Ушбу чиқарилишдаги акцияларни олинишига нисбатан жамият уставига ва/ёки чиқарилиш тўғрисидаги қарордаги ҳар қандай чеклашлар:

Банк чиқарилиш тўғрисидаги қарорга мувофиқ, ушбу чиқарилишдаги акциялар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги ПҚ-3694-сон “Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки ва “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкининг молиявий ҳолатини яхшилаш ҳамда фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Банкнинг солиқдан бўшаган жами 38 170 609 799,91 сўм пул маблағини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Банк устав капиталидаги давлат улушини кўпайтиришга мақсадли йўналтириш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 декабрдаги ПҚ-55-сон “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида лойиҳаларни молиялаштириш учун Банкка ажратилган 1 312 020 307 481,28 сўм миқдоридаги ресурсларни Банкнинг устав капиталини оширишга йўналтириш ва ушбу ресурслар ҳисобидан чиқарилган акцияларни тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги номига расмийлаштириш;

Банк акциядорларининг 2021 йил 25 ноябрдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорига мувофиқ Банк устав капиталидаги Давлат улуши Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги улушини камайитириш ҳисобига ўтказилган кўчмас мулк объекти баланс қиймати миқдори ва бекор қилинган оддий акциялар умумий

қиймати миқдори ўртасидаги 812,61 сўм фарқнинг 726,81 сўм қисмини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Банк устав капиталидаги улушини кўпайтириш учун ҳисобга олиш эвазига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ёпиқ обуна усули билан жойлаштирилади.

Банк устав капиталидаги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг давлат улуши солиқ имтиёзи натижасида бўшаган маблағлар эвазига оширилаётганлиги сабабли, Банк акциядорларининг 2022 йил 2 февралдаги навбатдан ташқари умумий йиғилишида жойлаштирилган овоз берувчи акцияларнинг камида учдан икки қисми эгалари бўлган акциядорларнинг (давлатдан ташқари) розилиги олинган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Банкнинг аффилиланган шахси бўлганлиги сабабли, Банк акциядорларининг 2022 йил 2 февралдаги навбатдан ташқари умумий йиғилишида ушбу чиқарилишдаги акциялар бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Банк ўртасида тузиладиган олди-сотди битими маъқулланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ қуйидаги чеклашлар мавжуд:

Давлат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари асосида бошқа давлат ташкилотлари номидан банк муассиси ва акциядори бўлиши мумкин;

Норезидент бўлган жисмоний шахсларнинг ва халқаро молия институтлари, чет эл банклари ва бошқа кредит ташкилотлари бўлмаган юридик шахсларнинг жами улуши банк устав капиталининг эллик фоиздан ошмаслиги керак;

Қайси норезидентларнинг иштирокчилари (акциядорлари) ҳамда охириги бенефициар мулкдорлари имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) охириги бенефициар мулкдорнинг шахсини ошқор этишни ҳамда молиявий операцияларни ўтказиш чоғида ахборот тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатда ёки ҳудудда рўйхатга олинган бўлса, ўша норезидентлар банк муассислари ва акциядорлари бўлиши мумкин эмас;

Жисмоний ва юридик шахслар ёки биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар, шу жумладан норезидентлар бир ёки бир неча битим натижасида банкнинг устав капиталидаги:

- беш ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан йигирма фоизни;
- йигирма ва ундан кўпроқ фоизни, лекин кўпи билан эллик фоизни;
- эллик ва ундан кўпроқ фоизни ташкил этадиган улушни бевосита ёки билвосита олишдан олдин Марказий банкнинг дастлабки руҳсатномасини олиши шарт;

Имтиёзли солиқ режимини тақдим этувчи ва (ёки) охириги бенефициар мулкдорнинг шахсини ошқор этишни ҳамда молиявий операцияларни ўтказишда ахборот тақдим этишни назарда тутмайдиган давлатда ва ҳудудда яшайдиган норезидент бўлган жисмоний шахслар ҳамда шундай давлатда рўйхатга олинган юридик шахслар, акциядорлар (иштирокчилар), охириги бенефициар мулкдорлар банк акцияларининг бевосита ёки билвосита эгаллик қилувчилари бўлиши мумкин эмас.

8. Банк устав капиталининг миқдори (сўм): 2 197 142 422 212 сўм;

9. Илгари жойлаштирилган акциялар сони (турлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

Чиқарилган акцияларнинг умумий сони: 2 057 249 459 дона.

Шундан:

- эгасининг номи ёзилган оддий акциялар – 2 057 114 459 дона;
- эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар - 135 000 дона.

10. Илгари жойлаштирилган облигациялар сони (турлари ва кўринишлари бўйича тақсимланган ҳолда кўрсатилади):

Банк томонидан 5000 (беш минг) дона эгасининг номи ёзилган фоизли корпоратив облигациялар жойлаштирилган: Бундан банк облигацияларининг I (биринчи)

чиқарилуви 2010 йил 15 сентябр куни P0850-сон билан Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказида рўйхатга олинган.

А) Чиқарилишдаги облигациялар серияси ва шакли: Эгасининг номи ёзилган, фоизли, ҳужжатсиз шаклдаги корпоратив облигациялар.

Б) Чиқарилишдаги облигациялар сони: 3 000 дона.

В) Чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал қиймати: 1 000 000 сўм.

Г) Чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича): 3 000 000 000 сўм.

Ушбу чиқарилувга асосан чиқарилган корпоратив облигациялар сўндирилганлиги муносабати билан Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг 2015 йил 10 ноябрдаги 15-07/181-сонли қарорига асосан бекор қилинган.

Банк облигацияларининг II (иккинчи) чиқарилуви 2012 йил 4 октябр куни P0850-2-сон билан Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказида рўйхатга олинган.

А) Чиқарилишдаги облигациялар серияси ва шакли: Эгасининг номи ёзилган, ҳужжатсиз шаклдаги, фоизли корпоратив облигациялар.

Б) Чиқарилишдаги облигациялар сони: 2 000 дона.

В) Чиқарилишдаги бир дона облигациянинг номинал қиймати: 1 000 000 сўм.

Г) Чиқарилишнинг умумий ҳажми (номинал қиймати бўйича): 2 000 000 000 сўм.

Ушбу чиқарилувга асосан чиқарилган корпоратив облигациялар сўндирилганлиги муносабати билан Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Марказининг 2017 йил 27 ноябрдаги 15-07/030-сонли қарорига асосан бекор қилинган.

11. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг шартлари ва тартиби.

11.1. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг усули (очик ёки ёпиқ обуна):

Ушбу чиқарилишдаги акциялар қуйидаги тартибда юридик шахсга ёпиқ обуна усули билан жойлаштирилади:

Юридик шахс номи	Жойлаштириладиган акциялар сони (дона)
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги	1 264 223 706
Жами	1 264 223 706

11.2. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг муддати:

Ушбу чиқарилаётган акциялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 180 (бир юз саксон) кун давомида жойлаштирилади.

Акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси - ушбу қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги маълумот қонунчиликка мувофиқ эълон қилинган кун ҳисобланади. Агар акцияларни жойлаштиришни бошлаш санаси банк ҳисоб операциялари учун дам олиш кунига тўғри келса, унда акцияларни жойлаштириш кейинги биринчи иш кунига бошланади.

Акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси - ушбу чиқарилишнинг сўнгги акцияси жойлаштирилган кун, бироқ акцияларни жойлаштиришни тугатиш санаси, ушбу акциялар давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб 180 (бир юз саксон) кундан ошмаслиги лозим.

11.3. Ушбу чиқарилишдаги акциялар жойлаштирилишининг тартиби:

Ушбу чиқарилаётган акциялар ташкиллаштирилмаган (уюлмаган) биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида тўғридан-тўғри фуқаролик-ҳуқуқий битимлар тузиш орқали қонунчиликда белгиланган тартибда жойлаштирилади.

Акциялар жойлаштирилиши жараёнида андеррайтерлар жалб қилиниши кўзда тутилмаган.

11.4. Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ва қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачисининг ташкилий-

хукукий шаклини ўз ичига олган тўлиқ фирма номи, жойлашган жойи, почта манзили, телефони:

Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси ҳақида маълумот:

Тўлиқ номи: **“Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси” давлат корхонаси**

Жойлашган манзили ва почта манзили - **100170, Тошкент шаҳри, Мирзо-Улугбек тумани, Мустақиллик шоҳкўчаси, 107-уй**

Телефон: (71) 267-37-42, Факс: (71) 267-36-94, эл.почта: **info@deponent.uz**, интернет манзили: **www.deponent.uz**

лицензия – **мавжуд эмас**; ташкилий-хукукий шакли – **давлат корхонаси**.

Банк томонидан чиқарилган давлатга тегишли акциялар бўйича эгаллик ҳуқуқларини ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан, бошқа акциядорларга тегишли акциялар бўйича эгаллик ҳуқуқи эса инвестиция воситачилари томонидан амалга оширилади.

Банк билан амалдаги шартномага эга, акцияларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олишни амалга оширувчи инвестиция воситачиси ҳақида маълумот:

Тўлиқ номи: **“DEPO-INVEST-TRAST” масъулияти чекланган жамияти**

Жойлашган жойи ва почта манзили – **100000, Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 6-уй, 87-хонадон**

телефон: (78) 150-39-54, Факс: (78) 150-39-53. эл.почта: **depintra@mail.ru**

Лицензия рақами: **1258**

Лицензия берган орган: **Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш Маркази**

Лицензия берилган санаси: **2014 йил “4” март**

Лицензия амал қилиш муддати: **Муддати чекланмаган**

11.5. Ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби:

Банк акциядорларининг 2022 йил 2 февралдаги навбатдан ташқари умумий йиғилишида Банк томонидан қўшимча акциялар жойлаштирилаётганда Банк акциядорларининг имтиёзли олиш ҳуқуқи қўлланилмаслиги тўғрисида қарор қабул қилинган. Шунинг учун, ушбу чиқарилишдаги жойлаштирилаётган акцияларни олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ қўзда тутилмаган.

11.6. Ушбу чиқарилишдаги акциялар баҳоси (баҳолари) ёки жойлаштириш баҳосини белгилаш тартиби:

Ушбу чиқарилишдаги акциялар **1 068 (бир минг олтмиш саккиз) сўмдан жойлаштирилади.**

11.7. Акцияларни тўлаш шартлари ва тартиби:

Акциялар учун тўловлар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 майдаги ПҚ-3694-сон “Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банки ва “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкининг молиявий ҳолатини яхшилаш ҳамда фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Банкнинг солиқдан бўшаган жами **38 170 609 799,91 сўм** пул маблағлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 декабрдаги ПҚ-55-сон “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида лойиҳаларни молиялаштириш учун Банкка ажратилган **1 312 020 307 481,28 сўм** миқдордаги ресурслар;

Банк акциядорларининг 2021 йил 25 ноябрдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорига мувофиқ Банк устав капиталидаги Давлат улуши Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги улушини камайитириш ҳисобига ўтказилган қўчмас

мулк объекти баланс қиймати миқдори ва бекор қилинган оддий акциялар умумий қиймати миқдори ўртасидаги 812,61 сўм фарқнинг 726,81 сўм қисмини ҳисобга олиш эъвазига амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ, акциялар учун тўланган маблағлар қабул қилинади ва ушбу маблағлар Банкнинг тегишли ҳисобварақларида ҳисоби юритилади.

11.8. Ушбу акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда эмитент томонидан акциялар тўлови сифатида олинган воситаларни қайтариш тартиби:

Ушбу чиқарилаётган акцияларнинг олтмиш фоиздан кам қисми жойлаштирилганда, ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб ҳисобланади.

Акциялар чиқарилиши амалга ошмаган деб топилган тақдирда, Банк томонидан ушбу ҳолат тўғрисида ўрнатилган тартибда расмий маълумот Банк веб-сайтида, корпоратив ахборот ягона порталида ҳамда “Тошкент” Республика фонд биржаси веб-сайтида ўрнатилган тартибда эълон қилинади.

Акциялар учун тўланган маблағлар акциядорнинг аризасида кўрсатилган банклардаги ҳисоб рақамларига ушбу чиқарилиш амалга ошмаган деб топилган кундан бошлаб, 10 (ўн) кун давомида тўлиқ ўтказиб берилади.

Акциялар учун тўланган пул маблағлари Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 14-уй манзили бўйича Банк бош офисининг транзит ҳисоб рақами орқали қайтарилади.

12. Эмитент томонидан қимматли қоғозлар чиқарилиши (қўшимча чиқарилиши) тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор қилиш тартиби:

Қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги ахборотнинг ошкор қилиниши Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ахборот (муҳим факт) ва қонунчилик билан белгиланган бошқа маълумотлар, акциялар чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган муддатда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Ахборот-маълумот тизими манзили – www.mikrokreditbank.uz, www.uzse.uz, www.openinfo.uz.

Банк қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарорининг асли ва нусхаси билан Тошкент шаҳар, Лутфий кўчаси, 14-уй манзили бўйича жойлашган “Микрокредитбанк” АТБ нинг Бош офисидида ҳамда банкнинг веб-сайтида танишиш мумкин.

13. Бошқа маълумотлар.

Кўзда тутилмаган.

«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки

Б (Оемсе) варақда рақамланган ва тикилган

Бошқарув раиси О.Бутаев

Бош бухгалтер Ф.Рахманов

